

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
УЗОҚ ШАРҚ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Ҳиндий тили сўз бирикмаларининг морфологик таҳлили

5220100-FILOLOGIYA (hindiyl tili)

Бажарди: Жанубий Осиё тиллари кафедраси

4 курс ҳинд инглиз гуруҳи талабаси

Ҳоджиметова Нодира Кудратовна _____

(имзо)

Илмий раҳбар: Филология фанлари номзоди,

Доцент Абдурахмонова Муҳайё Ҳакимовна

(имзо)

Такризчи: Жанубий Осиё тиллари кафедраси

Катта ўқитувчиси Содикова Мавжуда Кабуловна

(имзо)

ТОШКЕНТ-2012

Битирув малакавий иши ҳимояга тавсия этилди

Узоқ Шарқ ва Жанбий Осиё тиллари
Факултети декани, филология фанлари
номзоди Носирова С.А.

“ _____ ” _____ 2012 йил

Жанубий Осиё тиллари кафедраси
мудири, филология фанлари
номзоди Нурматов С.С.

“ _____ ” _____ 2012 йил

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ	4
II. АСОСИЙ ҚИСМ	12
1-БОБ.СЎЗ БИРИКМАСИ ВА СЎЗ НИМА?	12
Iбоб юзасидан хулоса	21
2-БОБ.СОДДА ПОСЛЕЛОГЛИ СУБСТАНТИВ СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТИЛАРИ	23
2.1. “Сифат+от” таркибли сўз бирикмалари.....	23
2.2. “От+от” таркибли сўз бирикмалари.....	26
Посессив сўз бирикмалари.....	27
Посессив-агентив сўз бирикмалари.....	28
Белги-хусусиятга эга посессив сўз бирикмалари.....	28
Бутунликнинг бир қисмини англатувчи посессив сўз бирикмалари.....	29
Партитив-посессив сўз бирикмалари.....	29
Посессив-локатив сўз бирикмалари.....	30
Посессив-темпорал сўз бирикмалари.....	30
Субстанциал объектли сўз бирикмалар.....	30
Квалификатив-квалитатив сўз бирикмалари.....	31
Квантитатив-квалитатив сўз бирикмалари.....	32
Содда послелогли субстантив сўз бирикмалари.....	32
IIбоб юзасидан хулоса	40
3-БОБ.МУРАККАБ ПОСЛЕЛОГЛИ СУБСТАНТИВ СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	42
Ўрин-жой маъносини англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмалари.....	42
Вақт маъносини англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмалари.....	45
Йўналишни англатувчи послелогли сўз бирикмалари.....	46
Мақсад ва вазифани англатувчи послелогли сўз бирикмалари.....	46
Сабаб ва натижа мазмунини англатувчи послелогли сўз бирикмалари....	47
Ўхшатиш мазмунини англатувчи послелогли сўз бирикмалари.....	47
Зид маъно англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмалари.....	48
Биргалик маъносини англатувчи послелогли сўз бирикмалари.....	48
Ўриндошлик мазмунига эга послелогли сўз бирикмалари.....	49
Эгалик мазмунини англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмалари..	49
IIIбоб юзасидан хулоса	49
ХУЛОСА	50
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	53

Кириш

“Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак”¹.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳар томонлама муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқини кўлга киритди. Республикамиз Ҳиндистон Республикаси билан қарийб 20 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу дўстона алоқалар иқтисодий, сиёсий ва дипломатик соҳалардан ташқари маданият, илм-фан соҳасида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу каби ҳар томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашда Президентимиз таъкидлаганларидек, ёш авлоднинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон ёшларига ўзларига нисбатан билдирилаётган ишончни оқлашга ҳаракат қилаётганлари қувонарли ҳолдир. Биз ҳам танлаган мавзуимиз орқали Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги илм-фан соҳасига ўзимизнинг камтарона ҳиссамизни қўшамиз, деб умид қиламиз.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Жанубий Осиё тилларини ўрганиш, мазкур тиллар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ва Ҳиндистон билан кенг қамровли алоқаларни ривожланиб бораётгани Жанубий Осиё тилларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини талаб этади.

Бизнинг ушбу малакавий ишимиз ҳозирги ҳиндий тили сўз бирикмаларининг морфологик таҳлилига бағишланган. Юртимиз тилшунослари томонидан Жанубий Осиё тилларига оид кўплаб ишлар қилинган бўлса ҳам, ҳиндий тили масалаларини тўлиқ очиб берадиган монографик тадқиқотлар деярли йўқ. Бу юзага келиши учун аввало у ёки бу

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т., Ўзбекистон, 2008.

жузъий синтактик муаммолар ҳал бўлиши керак. Умумий тилшунослик, хусусан, ҳинд-орий тилларида кўпинча зиддиятли ҳисобланган бу масала кўп компонентли мураккаб сўз бирикмалари, сўз бирикмаларининг синонимияси, сўз бирикмаларида послелоглар вариацияси, эркин ва турғун сўз бирикмаларининг ўзаро муносабатини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Танланган мавзу кенгрок ёритишга эришилса, ҳиндшунослар учун соҳани чуқуррок ўрганишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Шу жиҳатдан мазкур тадқиқот иши алоҳида долзарб илмий аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишидан кўзланган мақсад ҳиндий тилидаги сўз бирикмаларининг грамматик моҳияти, ҳажми ва чегараси, формаси ва маъносини ўрганишдир.

Тадқиқотдан кўзланган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Сўз бирикмаси ва сўз ўртасидаги фарқларни аниқлаш;
2. Сўз бирикмаси ва бирикма ўртасидаги фарқларни аниқлаш;
3. Сўз бирикмаси ва қўшма сўз ўртасидаги фарқларни аниқлаш;
4. От сўз туркумига мансуб субстантив сўз бирикмаларининг таркибий-морфологик ва структур-семантик содда послелогли сўз бирикмаларини таҳлил қилиш;
5. От сўз туркумига мансуб субстантив сўз бирикмаларининг таркибий-морфологик ва структур-семантик мураккаб послелогли сўз бирикмаларини таҳлил қилиш;

Тадқиқот объекти сифатида ҳиндий тилида субстантив сўз бирикмаларининг таркибий-морфологик таҳлили олинди.

Тадқиқот методи. Мавзуга оид тўпланган материаллар тавсифий метод ёрдамида таҳлил қилинди.

Ишнинг илмий янгилиги. Ўзбекистонда ҳиндий тили грамматикасига оид тадқиқотлар орасида айни сўз бирикмаларининг лисоний хусусиятларига

бағишланган биронта илмий асар йўқлиги туфайли сўз бирикмасининг таркибий-морфологик хусусиятларини ёритиш мақсад қилиб олинди.

Тадқиқот манбалари. Тадқиқотга манба сифатида ‘spno’ ka kWdl’ k*Xn cNdr, ‘vkalt me’ Adalt’ pvn cO/rl каби адабиётлар олинди. Бундан ташқари ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилшуносларнинг мазкур мавзуга доир асарларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Тадқиқот сўз бирикмасининг морфологик структура-семантик хусусиятларини аниқлаш, айниқса, лексик-семантик категорияларнинг ўзаро таъсири ва муносабатларини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Мазкур иш ҳиндий тили грамматикасининг сўз яшаш, хусусан қўшма сўз, фразеологик бирликлар, шунингдек, гапнинг синтактик қурилиши билан боғлиқ мавзуларни кенгрок тушунишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг тузилиши. Тадқиқот ишимиз кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишимизнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот мураккаб режа асосида амалга оширилди. Кириш қисмида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий, амалий аҳамияти, долзарблиги ҳамда илмий янгилиги кўрсатилади. Бундан ташқари ишимизга асос қилиб олинган сўз бирикмасига оид таснифлар келтирилади.

Асосий қисм уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боб “Сўз бирикмаси нима?” деб номланиб, унда сўз бирикмаси ва сўз бирикмасига оид турлича ёндашувлар, шунингдек сўз бирикмасининг сўз, бирикма ва қўшма сўз ўртасидаги мавжуд фарқлар келтириб ўтилади. Иккинчи боб эса субстантив сўз бирикмаларининг таркибий-морфологик хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда субстантив сўз бирикмаларининг таркибий-морфологик ва структур-семантик сўз бирикмаларининг таҳлили мисоллар ёрдамида очиб берилади. Учинчи бобда эса мураккаб послелогли субстантив сўз бирикмалари мисоллар ёрдамида таҳлил қилинади.

Хулосада тадқиқ этилган манбалар таҳлилидан келиб чиқадиган асосий натижалар, назарий ва амалий умумлашмалар баён этилади.

Тадқиқот сўнгида фойдаланилган адабиётлар ҳамда интернет сайтлари рўйхати келтирилади.

Умумий тилшуносликда сўз бирикмасига оид таснифлар

Сўз бирикмаси назарияси рус тилшунослигида кейинги йилларда акад. В.В.Виноградов томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирги тилшунослик фанида сўз бирикмасига академик В.В.Виноградов томонидан берилган таъриф сўз бирикмасининг моҳиятини оча оладиган энг мос таъриф сифатида қабул қилинган. Ўзбек тилшунослигида сўз бирикмаси мавзусида бир қанча ишлар олиб борилган бўлиб, улардан М.К.Шариповнинг “Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи” номли асарида сўз бирикмаси, унинг хажми ва чегараси, бугунги кундаги сўз бирикмалари атрофидаги муаммоларни ёритган. Рус ҳиндшунослигида эса О.Г.Ульциферовнинг “Словосочетания в хинди” асари ҳиндий тили сўз бирикмаларига бағишланган ягона асардир. Ушбу асар 1971 йил Москвада З.М.Дымшиц муҳаррирлиги остида чоп этилган. Китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, боблар сўз бирикмаларининг баъзи назарий масалалари, субстантив сўз бирикмалари, вербал сўз бирикмалари, ҳамда, адъектив, нумерал, адвербиал сўз бирикмаларига бағишланган.

Сўз бирикмаси предмет, ҳаракат бирлигини ифодалаш қобилиятига эга бўлган, ягона мураккаб маъноларни ифодалайдиган, синтактик жиҳатдан ташкил топган ва семантик томондан бир бутун ҳисобланган икки мустақил сўзнинг бирикувидир. Сўз бирикмаси ягона, лекин бўлинган тушунча ёки тасаввурларни ифода этиш учун ҳизмат қилувчи икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзнинг бирикувидан ташкил топган грамматик birlikдир.

Сўз бирикмаси камида икки лексик маънога эга бўлган сўзнинг ўша тилнинг қонун-қоидаларига кўра бирикувидан ташкил топувчи мураккаб грамматик бутунликдир. У бир бутун, шу билан бирга, қисмларга бўлинувчи

маънони ифода этувчи грамматик бирлик ҳисобланади. Сўз бирикмаси бутун, яхлит бир маънони ифода этиш билан бирга, унинг таркибидаги сўзлар компонентлари маълум лексик маъноларни ҳам ифода этишлари керак¹.

Сўз бирикмасининг компонентлари эркин тарзда муносабатга киришади, шунинг учун сўз бирикмаси эркин синтактик конструкциядир. Сўз бирикмаси эркин синтактик конструкция бўлганлиги учун бир сўз турли гапларда жуда кўп сўзлар билан муносабатга кириша олади ва турли ҳил сўз бирикмалари ҳосил қила олади. Лекин ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг бирикувидан ҳамма вақт сўз бирикмаси ҳосил бўлавермайди, сўз бирикмаси бўлиш учун унинг таркибидаги сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан муносабатга киришиши ва қисмларга бўлинувчи бир бутун, яхлит маънони ифода этиши шарт.

Сўз бирикмасининг маъноси сўзга нисбатан яхлит, лекин унга нисбатан тор булади. Маълумки, сўзда умумлаштирувчилик хусусияти мавжуд. У бир турдаги предмет, белги ёки воқеа-ҳодисаларни умумлаштириб ифодалайди. Масалан, *уй* сўзи одам яшаши ёки ишлаши учун ҳизмат қилувчи жой маъносини билдирувчи предмет номидир. Шу ҳилдаги предметларнинг ҳаммаси ҳам *уй*. Бу сўз шу ҳилдаги предметларнинг ҳаммасини умумлаштириб, кенг маънода қўлланади. *Уй* сўзининг олдидан турли аниқловчиларни келтириш билан сўз бирикмалари ҳосил килинганда (*баланд уй, наст уй, катта уй, кичик уй, чиройли уй, бир қаватли уй, беш қаватли уй, янги уй, эски уй* ва ҳ. к. каби) *уй* сўзининг маъноси яхлитлашади, конкретлашади ва тораяди, яъни у энди умуман бир турдаги предметларни умумлаштириб эмас, шулардан фақат бирини ажратиб кўрсатади. *Кўйлак* сўзи кийимнинг бир турини билдирувчи сўз, лекин унинг олдидан аниқловчи

¹ Шарипов М.К. Хозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи. – Т., Ўзбекистон, 1978. 8 б.

келтириб, сўз бирикмаси ҳосил килинганда (*қишлик кўйлак каби*) энди ҳар қандай ташқи кийимни эмас, ташқи кийимнинг бир турини, фақат қишда кийиладиган қалин кўйлакни билдиради.

Шундай қилиб, сўз умумни, умумий маънони билдирса, сўз бирикмаси уни конкретлаштириб, конкрет ва яхлит маънони билдиради.

Сўз бирикмасининг маъноси сўз бирикмаси компонентларининг семантик маъносига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бир ҳил тузилишга эга бўлган ва бошқарувчи сўзи бир ҳил бўлган икки сўз бирикмаси турли маънони ифодалаши мумкин. Масалан, *қалам ушламоқ, балиқ ушламоқ*; сўз бирикмаларининг ҳар иккисида ҳам бошқарувчи сўз бир ҳил — *ушламоқ*, бошқарилувчи сўзларнинг ҳар иккиси ҳам от, ҳар иккала сўз бирикмаси ҳам бир ҳилда тузилган, лекин маънолари бутунлай бошқа. *Ушламоқ* сўзи ҳам турли маъноларни ифода этмоқда. Бу ўринда бир ҳил тузилишга эга бўлган ва бир ҳил бошқарувчи сўздан ташкил топган сўз бирикмаларининг турли маъноларга эга бўлиши бошқарувчи компонентнинг қандай семантик типдаги от билан алоқага кираётганига боғлиқдир.

Сўз бирикмасининг маъноси фақат етакчи — бошқарувчи сўзининггина маъносига боғлиқ бўлмай, бошқарилувчи компонентнинг семантик маъносига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирикувидан сўз бирикмаси ҳосил бўлавермайди.

Бир сўз иккинчи сўз билан бирикиб сўз бирикмаси ҳосил қилишда фақат ўша бирикаётган сўзларнинг қандай сўз туркумига мансублигигина эмас, балки уларнинг лексик маъноларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳар бир сўз маълум семантик группа билан боғланган бўлиб, ўша группа сўзлар билангина бирикиб, сўз бирикмаси ҳосил килади. Масалан, *p!na*; феъли куйидаги семантик группа сўзлар билан бирикиши мумкин:

puStk, smacarpt{, pit{ka...
pa#xala me', ivXviv?yaly me',...

китоб, газета, журнал...
мактабда, университетда...

idl se, Aavaj se...		қунт билан, овоз чиқариб...
rat ko, subh ko...	p!na	тунда, тонгда...
srsrl tOr pr	ўқимок	тез
%Ub ,km...		кўп, оз...
mn lgakr		жонини бериб

Igana феъли:

mu\h pr pa£@r

fUl

dStr%an

tala

idvar me' kll

cXma

Igana

юзга упа сурмоқ

гул экмоқ

дастурхон тузамоқ

эшикни қулфламоқ

деворга мих қоқмоқ

кўзойнак тақмоқ

Айрим сўзлар бундан ҳам оз, айримлари кўпроқ сўзлар билан бирикиши мумкин.

Кўп маъноли сўзлар эса ифодалаган лексик маъноларига кўра турли группа сўзлар билан бирикадилар. Масалан, *igrvl r%na* – *гаровга бермоқ*, *qPp@ r%na* – *шапалоқ тушурмоқ*, *xtR r%na* – *шарт қўймоқ* бирикмаларида *r%na* – *қўймоқ* феъли турли ҳил маъноларни ифода этмоқда.

Сўз бирикмаси гап таркибига киради. У гапдан ташқарида яшамайди. Сўз бирикмалари номинатив ҳарактерга эга бўлиб, гап таркибида маълум номинатив функцияни бажариш учун ҳизмат қилади. Шунинг учун ҳам у тилнинг номинатив воситаларидан биридир.

I БОБ

СЎЗ БИРИКМАСИ ВА СЎЗ НИМА?

Тилнинг асосини сўзлар ташкил этади. Лекин ҳар бир сўз конкрет бир маъно ифодалагани билан, ҳали у тил эмас. Сўз бир-бири билан муносабатга киришиб гап бўлгандагина тугал маъно ифодаляди ва тил тил шаклига киради. Лекин сўзлар гап таркибида худди мунчоқни ипга терган каби бирикмайди, улар группалашади, сўз бирикмалари деб аталувчи маълум қурилиш характериға эға бўлган сўз группалари ўзаро бирикади. Сўзларнинг ана шундай бирикувларидангина гап пайдо бўлади. Хуллас, сўзлар гап ичидагина яшайди ва шундагина катта аҳамиятға молик бўлади. Бу жиҳатдан сўз бирикмалари ҳам сўзларға жуда яқин туради. Улар ҳам нутқда, гапда яшайди.

Сўзлар тилнинг номинатив воситаси бўлиб, одатда, бирор предмет, воқеа-ходиса, турли процесслар, белги ва ҳ. к. ларни ифодалаш учун хизмат қилади. Сўз бирикмалари ҳам тилда худди шундай вазифаларни бажарувчи номинатив воситалардир. Бу жиҳатдан сўз ва сўз бирикмалари бир-бирига жуда яқиндир. Лекин сўз бирикмалари икки ёки ундан ортиқ, асосан, мустақил сўзлардан ташкил топиб, бирор ягона (мураккаб), лекин бўлинган тушунчаларни ифодалайди. Акад. В. В. Виноградов сўз бирикмаларининг бу хусусиятларига кўра, уларни «фразеологик бирликларнинг эркин эквиваленти» деб атайди¹.

Сўзнинг характерли белгиларидан яна бири унинг мустақил уз формасига эга эканлигидир. Шунинг учун ҳам акад. В.М.Жирмунский сўзга: сўз ўзининг мустақил маъноси ва шаклига эга бўлган тилнинг энг қисқа бирлигидир, деб таъриф беради ва сўз шаклини бошқа тил бирликларидан фарқлайдиган энг характерли белгиларидан бири деб ҳисоблайди². Сўз формаси ва сўз формаларининг ўзгариши ҳақида Ф.Ф.Фортунатов, А.М. Пешковскнй, И. А.Бодуэн де Куртенэ, Л.В.Шчерба ва қатор бошқа тилшунослар томонидан турли фикрлар баён қилинган.

Л.В.Шчерба, сўз формаси деганда тилшуносликда одатда ё бир тушунчанинг турли маъно бўёқларини, ё бир тушунчанинг турли функцияларини ифодаловчи турли сўзлар тушунилади, дейди³.

Акад. В.В.Виноградов сўз шаклига жуда катта эътибор беради. Шунинг учун ҳам у сўзларни «шакл ва маъно системаси» деб атайди. Сўз шаклига катта эътибор берганлиги учун ҳам В.В.Виноградов сўзларда шакл

¹Виноградов В.В. Идеалистические основы синтаксической системы проф. А.М.Пешковского, её эклектизм и внутренние противоречия, сб. Вопросы синтаксиса современного русского языка. М.,1959, стр 42.

² Жирмунский В.М. О границах слова, Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр.7.

³ Шчерба Л.В. Избранные работы по русскому языку, М., 1957, стр. 76

ясалишини жуда кенг маънода тушунади ва шакл ясовчи суффикслар деган тушунчани киритади¹.

Л.В.Шчербанинг фикрича, «сўз» турли тилларда турлича бўлади. Бундан маълум бўладики, “умуман сўз” деган тушунча йўқ². Проф М.Н.Петерсон умуман сўзнинг кониқарли таърифи йўқ, бундай таърифни бериш ҳам кийин; сўз - шундай содда тушунчаки, унга бирор мантикий таъриф бериш ҳам мумкин эмас, дейди³.

Ф.Де.Соссюр сўз ҳақида шундай дейди: сўз тушунчаси бизнинг тасаввуримиздаги конкрет тил бирлиги билан тенг эмас...Тилнинг конкрет бирлигини сўздан қидирмаслик керак⁴. Ш.Балли эса, сўз тушунчаси тилшуносликдаги энг ноаниқ тушунча, деб изоҳлайди⁵.

Э.Сепир сўзни функционал birlik эмас, формал birlik деб қарайди. Ҳуллас, кадим замонлардан бошлаб, то ҳозирга қадар ҳам сўзга турли қарашлар бўлган ва ҳилма-хил таъриф бериб келинган. Сўз, унинг структураси ва бошқа масалаларни ҳозир ҳам тўлиқ ҳал этилган, деб бўлмайди⁶.

Г. Голетиани сўз бирикмалари сўзлар каби тилнинг номинатив воситаси эмас. Агар сўз бирикмалари сўзлар каби предмет, воқеа-ҳодиса ва процессларни ифодалаш учун хизмат қилувчи восита бўлса, унда сўз ва сўз бирикмалари ўртасига тенглик белгисини қўйишимиз керак бўлар эди. У

¹ Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове, М.-Л., 1947. стр.36

² Шчерба Л.В. Очередные проблемы языковедения, Известия, АН СССР. 1945.№4-5. ср.75

³ Петерсон М.Н. Современный русский язык, М., 1929. стр.27

⁴ Соссюр Ф.Д. Курс общей лингвистики М., 1933. стр.107

⁵ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1935. стр.315-317

⁶ Шарипов М.К. Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи. – Т., Ўзбекистон, 1978. 18 б.

тақдирда сўз ва сўз бирикмалари ўртасидаги чегара йўқолган бўлар эди, дейди¹.

Я. В. Лоя, сўз бирикмалари номинатив бирлик эмас, гапнинг элементиدير, деб атайди.

Кўринадики, сўз бирикмасининг вазифаси бир сўз ва аксинча, бир сўзнинг вазифасини сўз бирикмаси бажариши мумкин. Шундай экан, сўз бирикмалари ҳам сўз каби номинатив функцияни бажаради.

Номинатив вазифаси жиҳатидан сўз бирикмаси ва сўз ўртасидаги ўхшашликни тан олиш улар ўртасига тенглик аломатини қўйиш ёки улар ўртасидаги чегарани йўқотишга олиб келади, деган хулоса чикмайди. Чунки сўз ва сўз бирикмалари тузилиши, лексик, грамматик хусусиятларига кўра тубдан фарқ қиладиган тил категорияларидир.

Бирор тушунча сўз орқали ифодаланганда бир сўз иштирок этади. Сўз бирикмасида ҳам худди сўз каби бирор тушунча ифодаланади, лекин бу тушунча бир сўз билан эмас, лексик ва грамматик жиҳатдан алоқага киришган бирдан ортиқ сўзлар — сўз бирикмалари орқали ифода этилади.

Сўз бирикмасининг бу хусусияти туфайли, улар бир тушунчани ифодалайдими ёки тушунчалар йиғиндисини ифодалайдими, деган савол туғилади.

М. Н. Годер бу ҳақда шундай дейди: Сўз бирикмаси бирор воқеа-ҳодисани, у ҳақдаги тушунчани ифодалайди. Лекин бу тушунча содда тушунча эмас. У ягона тушунча бўлиши билан бирга, тушунчаларнинг бирикувидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири бутун сўз бирикмаси орқали ифодаланган тушунчадан фарқ қилади.

А. Ф. Демьяненко, сўз бирикмаси бўлинган тушунчани ифодалайди, лекин бу унинг бутунлигига зарар етказмайди деб ҳисоблайди ва ҳақиқатан ҳам,

¹ Голетиани Г. Словосочетание как предмет синтаксиса, Труды Тбилисского университета, 65. 1957, стр.252

таркибли тушунчанинг диалектикаси шундан иборатки, унинг конструктив асосий белгиси — бу умумдаги яккаликдир, дейди¹.

Ҳақиқатан ҳам сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар — сўз бирикмасининг компонентлари ҳар бири маълум бир тушунчаларни — бўлинган тушунчаларни ифодалайди. Шу билан бирга сўз бирикмаси бутунлигича бир бутун, мураккаб тушунчани ифодалайди.

Сўз бирикмаси тушунчалар йиғиндисидан ташкил топган бир бутун, мураккаб тушунчани ифодаловчи грамматик категория, синтактик бирликдир.

Сўз бирикмасининг барча турлари ҳам предмет, воқеа-ҳодиса, белги, турли процессларнинг номларини ифодалаб, номинатив функцияда қўллана олади. Сўз бирикмаси сўзлардан, ҳатто сўз бирикмаларига кўп жиҳатдан яқин турувчи кўшма сўзлардан тубдан фарқ қилишига қарамай, тилда сўз каби номинатив функцияни бажаради ва бу жиҳатдан сўзга яқин туради.

Худди сўз каби сўз бирикмасида ҳам предикативлик хусусияти йўқ. Предикативлик фақат гапгагина хос бўлиб, агар сўз бирикмаси ҳам предикативликка эга бўладиган бўлса, у тақдирда сўз бирикмаси гапга айланади. Шунингдек, сўз бирикмаси ва сўз учун модаллик, шахс, замон категориялари ҳам хос эмас. Бу категориялар фақат гапгагина хосдир.

Сўз лексик, грамматик хусусиятларига кўра, одатда, сўз туркумларига ажратилади, классификация қилинади.

Сўз бирикмаси камида икки сўзнинг бирикувидан ташкил топиб, улардан бири ҳоким сўз саналади. Ҳоким сўз сўз бирикмасининг асосини, ядросини ташкил этади. Ҳоким сўз қандай сўз билан ифодаланганлигига кўра сўз бирикмаси ҳам классификация қилинади (отли бирикмалар, феълли бирикмалар, равишли бирикмалар ва ҳ. к.) Демак, сўз бирикмасининг классификацияси сўзларга, уларнинг лексик, грамматик хусусиятларига боғлиқ.

¹ Демьяненко А.Ф. Типы словосочетаний в русской письменности конца XVII начала XVIII в., Киев. 1967, стр. 49

Бу эса сўз ва сўз бирикмалари ўртасида боғлиқлик, яқинлик борлигидан далолат беради ва уларни бир-бирларига яқинлаштиради.

Сўз турланади, тусланади — ўз формасини ўзгартиради. Сўзга хос бўлган бу хусусият сўз бирикмасида ҳам сақланади. Сўз бирикмаларидаги ҳоким сўз сўз бирикмаси таркибида ҳам турланиш, тусланиш — форма ўзгартириш хусусиятини сақлайди. Натижада сўз ва сўз бирикмаларининг парадигмаси вужудга келади. Қиёсланг: puStk(китоб) - puStke' (китоблар); puStko' se (китоблардан); puStk kw Alava (китобдан ташқари); Skul ja^α\ (мактабга борсам); Skul jaE' (мактабга борсак эди); Skul ja^α\gl (мактабга бораман) ва ҳоказо.

Барча тилларда сўзлар янги сўзларни ясашда асосий база бўлиб, хизмат қилади. Сўздан фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва ҳ. к. йўллар билан янги сўз ясалади. Бу хусусият сўз бирикмасига ҳам тааллуқлидир. Сўз бирикмаси ҳам тилда янги сўзлар ясаш процессида катта роль ўйнайди.

Юқоридагилардан кўринадики, сўз бирикмаси функциялари, қўлланиши ва бошқа хусусиятларига кўра сўзга кўп жиҳатдан яқин туради. Лекин бу яқинлик уларни бир-бирларига тенглаштириш, улар ўртасига тенглик аломатини қўйиш ва ҳар иккисини тилда бир хил категория деб қараш имконини бермайди. Сўз бирикмаси ва сўз кўп жиҳатдан бир-бирларига яқин бўлишига қарамай, шу билан бирга, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи тил категорияларидир.

Сўз тилнинг марказий, асосий бирлиги ҳисобланади. Сўз унинг нима эканлиги, тилдаги ўрни, роли ҳақида жуда кўп адабиётлар мавжуд ва бу адабиётларда ҳилма-хил фикрлар, қарашлар баён этилган.

Кишилар жамиятда тил орқали, тил ёрдамида ва тил туфайли бир-бирлари билан алоқа қиладилар, фикр алмашадилар, бир-бирларини тушунадилар. Сўз ва сўз бирикмаси ана шу алоқани амалга оширишда муҳим ролни ўйновчи тил бирликларидир. Агар тилда сўзлар бўлмаганда

эди, ёки улар тилда формал бирлик сифатида яшаганида эди, умуман нутқ тили ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Ҳар бир сўз маълум тушунча билан боғланган бўлади ва тилда ўша тушунчанинг воқелиги учун хизмат қилади. Сўз орқали ифодаланган тушунча сўзнинг асл маъносини ташкил этади. Ҳар қандай сўз ҳам ана шундай маънога эга бўлади.

Сўз маъносида икки жиҳат мавжуд: а) сўзнинг маъноси (том маъносида), бу эса унинг сигнификатив ёки семантик функцияси; б) аташ ёки номинатив функцияси.

Сўзнинг сигнификатив ёки семантик функцияси деганда сўз қандай тушунча билан боғланганлиги орқали қандай маънонинг ифодаланиши, ҳуллас, сўз орқали ифодаланадиган мазмун тушунилади. Сўз орқали қандай мазмун ифодаланса, у ўша сўзнинг маъносини ташкил этади. Ҳар бир сўз ана шундай маълум маънони ифодалайди ва тилда сигнификатив-семантик функцияни бажаради.

Сўзнинг номинатив функцияси деганда сўз орқали бирор предмет, воқеа, ходиса, ҳолат ва шу кабиларнинг аталиши тушунилади.

Сўзлар қай даражада маъно ифодалашидан қатъий назар, барибир қандайдир маъно билан боғланган бўлади ва ўша маънони ифодалаш учун хизмат қилади.

Сўз бирикмаси ҳам бу жиҳатдан сўзга ўхшайди. Чунки у ҳам маълум бир лексик маънони, лекин сўзга нисбатан тор ва яхлит маънони ифодалайди. Сўз ва сўз бирикмасида ана шундай хусусият бўлишига қарамай, уларни батамом бир-бирларига тенг қилиб қўйиб бўлмайди. Сўз ҳамма вақт бир тушунча билан боғлангани ҳолда тилда доим тайёр ҳолатда мавжуд бўлади. Чунки сўз тарихий категория бўлиб, у тил тарихий тараққиётининг муайян даврида пайдо бўлади, маълум маъно билан боғланади ва тилда ана шу маънони ифодалаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Сўз бирикмаси бундай хусусиятга эга эмас, у тилда тайёр ҳолатда яшамайди, ҳамма вақт маълум бир тушунча билан боғланган бўлмайди. Сўз бирикмаси нутқ процессида фикр ифодаси талабига кўра тузилади.

Сўз бирикмаси камида икки лексик маънога эга бўлган сўзларнинг бирикувидан ташкил топиб, ягона мураккаб маъноларни ифода этувчи семантик бутунликдир, лекин у бўлинган тушунча ёки тасаввурни ифодалайди.

СЎЗ БИРИКМАСИ ВА БИРИКМА

Сўзларнинг бирикуви ёки «бирикма» иборалари жуда кенг маънода тушунилади. Ҳар қандай сўзларнинг лексик ва грамматик алоқага киришувидан бирикма ҳосил булади. Масалан: gulab kl sl hqeilyo' pr kbl kl sl k\$oiryo' me' %uxbuE' sjaE ba'idya\ ca\dl kl ^pr-%\$ pr qal %ole huE iksl mugl xhjadl kl trh xayrana imjaj rma kw solh è*'gar me' msrUf ho jatl hW – - “Атиргулдек кафтларида нилуфар каби косачаларга ҳушбўй таёқчалар қадаган канизаклар кумуш ётоқда патнисларни очганча бир бобурий шаҳзодасидек шоиртабиат Рамага оро бериш билан банд бўладилар” гапида куйидаги сўзларнинг бирикканини кўриш мумкин. gulab kl sl hqell – атиргулдек кафт; kbl kl sl k\$orl – нилуфар каби косача; %uxbuE' sjaE ca\dl kl ^pr-%\$ - ҳушбўй таёқчалар қадалган кумуш ётоқ; xayrana imjaj - шоиртабиат; rma kw solh è*'gar – Раманинг ороси; msrUf ho jatl hW – банд бўладилар; è*'gar me' msrUf ho jatl hW – оро бериш билан банд бўладилар;

Юқоридаги мисолларнинг ҳаммасида ҳам икки ёки ундан ортиқ сўзлар бирикиб бирикма ҳосил қилган. Лекин шу бириккан сўзларнинг ҳаммаси ҳам бир ҳил қимматга эга эмас.

Мустақил сўзларнинг бирикувидан ҳам турли ҳил бирикмалар ҳосил бўлган. Масалан, è*'gar me' msrUf ho jatl hW бирикмаси эга ва кесимдан ташкил топган бўлиб, гапнинг асосидир. rma kw solh è*'gar бирикмаси эса сўз бирикмасидир.

СЎЗ БИРИКМАСИ ВА ҚЎШМА СЎЗ

Қўшма сўзлар ҳам сўз. Тилда содда сўзлар каби, бирор маъно билан боғланган бўлади, бирор тушунчани реаллаштиради ва номинатив функцияни бажаради. Содда сўзлар гап таркибида қандай вазифаларни бажарса, қандай грамматик хусусиятларга эга бўлса, қўшма сўзлар ҳам ўша вазифаларини бажаради ва ўшандай грамматик хусусиятларга эга бўлади. Содда сўзлар бир урғуга эга бўлганидек, қўшма сўзлар ҳам бир асосий урғуга эга. Қўшма сўзлардан ҳам турли йўллар билан янги сўзларнинг ясалиши, содда сўзлар каби янги сўзларнинг ясалишида асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ ўзак-негиздан ташкил топади.

Қўшма сўз компонентлари ўз лексик маъноларини сақлаши қатор тилшунослар томонидан эътироф этилган. М.И.Привалова, қўшма сўз компонентлари қай даража бўлишидан қатъи назар, ўз мустақил моддий маъносини сақлайди, дейди¹. Е.А.Василевская қўшма сўзлардаги бу хусусиятни қўшма сўзнинг асосий белгиси деб атайди².

Ҳақиқатан ҳам қўшма сўз компонентлари ўртасидаги маъно муносабатлари сақланганлиги учун ҳам қўшма сўзнинг маъноси унинг таркибига кирувчи компонентларнинг маъносига боғлиқ бўлади.

Қўшма сўзлар муаммоси сўз бирикмалари муаммоси билан маҳкам боғланган. Чунки қўшма сўзларнинг кўпчилик қисми сўз бирикмалари тилда узок муддат қўлланиши натижасида компонентлари семантик, грамматик ва фонетик жиҳатдан бир бутун ҳолга келиб, бир тушунчани ифодалайдиган бир бутун шаклланган қўшма сўзга айланади. Бу фикр бундан анча илгари машҳур рус тилшуноси И.Н.Срезневский томонидан олға сурилган эди. И.Н.

¹ Привалова М.И. К определению понятия сложного слова в русском языке. Вестник ЛГУ №8. Л., 1956, стр. 71

² Василевская Е.А. К проблеме сложного слова, Ученые записки №148, русский язык, 1960. стр. 50

Срезневский, сўз бирикмалари ва қўшма сўзлар ўзаро бир-бири билан боғлиқ эканлиги, қўшма сўзлар кўпинча сўз бирикмалари асосида вужудга келиши, кўпгина ифодалар узоқ ва кўп вақт тилда қўлланиши натижасида қисмлари бир-биридан ажралмас бутун бир сўз ҳолатига келиб қолиши ходисаларини кўрсатиб ўтган эди. Худди шундай фикр бошқа тилшунослар томонидан ҳам айтиб ўтилган.

Машҳур рус тилшуноси акад. В.М.Жирмунский шундай дейди: Ҳар бир қўшма сўз ё илгари сўз бирикмаси бўлган ёки қадимги сўз бирикмаси модели асосида тузилган¹. С.И.Абакумов, умуман айтганда, қўшма сўзлар сўз бирикмалари заминида пайдо бўлганлиги ҳозирги пайтда ҳамма томонидан тан олинмоқда, дейди². Проф. А.Л.Андрейчик қўшма сўзларни ҳатто тўғридан-тўғри сўз бирикмаларига тенглаштириб кўяди³.

Ҳиндий-урду тилларнинг материаллари шуни кўрсатадики, қўшма сўзларнинг кўпчилик ва асосий қисми сўз бирикмаларидан ёки сўз бирикмалари модели асосида келиб чиққан. Қўшма сўзларнинг пайдо бўлишида сўз бирикмалари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Қўшма сўзларнинг айримлари тўғридан-тўғри ўзак негизларни қўшишдан, айримлари жуфт сўзлардан, айримлари эга ва кесим муносабатидан — гапдан, айримлари эга, кесим ва ундалмадан келиб чиққандир.

Қўшма сўзларнинг тузилиши, структураси шундайки, уларнинг пайдо бўлишини тилда тамомила абсолют янги сўз пайдо бўлди, деб бўлмайти. Чунки қўшма сўзлар аввал тилда алоҳида мавжуд бўлган сўзларнинг янги тур комбинацияларидан вужудга келади.

¹ Жирмунский.В.М. О границах слова, Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 29

² Абакумов С.И. О сложных словах в русском языке, “Русский язык в школе” № 3-4, 1946. стр. 18

³ Андрейчик А.Л. Грамматика болгарского языка, перевод с болгарского и словарь В.В.Бородич, М., 1949. стр. 78-79

I боб юзасидан хулоса

Юқорида айтилганидек, бир сўз фақат иккинчи бир сўз билангина бирикиб, сўз бирикмаси ҳосил қилиши шарт эмас, ҳар бир сўз маълум семантик группа сўзлар билан бирикиб, бир неча сўз бирикмалари ҳосил қилиш мумкин.

Сўз бирикмаси эркин бирикма бўлганлиги ва сўз бирикмаси компонентлари ўз лексик маъноларини сақлаган бўлганлиги учун унинг ҳар бири гап таркибида маълум вазифани бажаради ва гап бўлаги саналади.

Сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ лексик маънога эга бўлган сўзларнинг ўзаро синтактик алоқасидан вужудга келади. Шунга кўра сўз бирикмаси содда — икки сўздан иборат бўлиши, мураккаб — иккидан ортиқ сўзлардан иборат бўлиши мумкин. Лекин сўз бирикмаларининг характерли хусусиятларидан яна бири шундаки, у неча сўздан ташкил топишидан қатъий назар, бинарлик хусусияти сақланади. Сўз бирикмаларининг асосини ҳам ана шу икки бўлаклилик ташкил этади. Сўз бирикмалари таркиби қанча мураккаб бўлмасин, барибир, бинарлилик хусусияти сақланади. Масалан, suNdr flojl r'g kl sa@l phne huE Aort – чиройли фερуза ранг сари кийган аёл; suNdr sa@l – чиройли сари; flojl r'g kl sa@l – фερуза ранг сари; sa@l phne huE Aort – сари кийгин аёл; suNdr Aort – чиройли аёл;

Шундай қилиб, сўз бирикмалари икки ёки ундан ортиқ лексик маъноларга эга бўлган сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатига киришиб, эркин бирикма ҳосил қилишидан вужудга келади ва бутун, яхлит, лекин сўзга нисбатан тор, конкрет маъноларни ифодаловчи синтактик бутунликдир.

II БОБ

Содда послелогли субстантив сўз бирикмаларининг таркибий- морфологик хусусиятлари

Субстантив сўз бирикмаларида от ҳоким бўлак ҳисобланади. Субстантив сўз бирикмалари ҳозирги ҳиндий тилида сўз бирикмаларининг бошқа структуравий турларига нисбатан энг сермахсули ҳисобланади. Субстантив сўз бирикмалари таркибига кўра бир неча хусусиятга эга. Бу ундаги ҳоким бўлак бўлган от ва унинг синтактик белгилари билан изоҳланади.

Субстантив сўз бирикмалари атрибутив (аниқловчи) ва комплетив (тўлдирувчи) турларига бўлинади.

Атрибутив сўз бирикмаларига қуйидаги структуравий бирикмалар киради:

AN – сифат+от

PN – олмош+от

NumN – сон+от

VN – феъл+от

AvN – равиш+от

NN – от+от

Комплетив сўз бирикмаларига эса:

NN, яъни от+от шунингдек, VN, яъни феъл+от кўринишидаги сўз бирикмалари киради.

Энди эса юқорида кўрсатилган структур моделларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз. Буларнинг ичида “сифат+от” кўринишидаги сўз бирикмалари кўпчиликни ташкил этади.

2.1.Сифат+от

Ҳиндий тилида сифат+от сўз бирикмалари атрибутив муносабатларни англатади. Бу бирикмадаги сифатлар доимо тобе бўлак ҳисобланади. Бу бирикма таркибидаги сифат от билан боғланишига кўра мослашув ва битишув асосида боғланади.

Биламизки, Аа (Аа\ \) га тугаган сифатлар ўзгарувчан сифатлар бўлиб, сон, жинс ва келишикда ўзгаради. Қолган барча сифатлар эса битишув муносабатларини ўзида акс эттиради.

Сифатлар қиёсий ва орттирма даражага ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Таркибида қиёсий даражадаги сифатларга эга сўз бирикмалари икки компонентли бўлади

šsse b@e kmro' me' – бундан катта хоналарда

£sse suNdr sa@l - ундан чиройли сари

Сифатлар изланишлардан кўринадики, “sa” кучайтирув-эркалаш юкламаси билан келиши мумкин.

£Mda-sl say - энг яхши чой

nNha-sa k, - миттигина зарра

Ek ^o\$a-sa i\$nka – кичкинагина бир хас

Бирикма таркибидаги сифат орттирма даражада бўлиши мумкин. Аммо фикримизча, кўринишидан бу бирикма 3 компонентли бўлса-да, биз уларни икки компонентли деб ҳисоблаймиз:

bhut suNdr sa@l – жуда чиройли сари

b@e mhTvpU,R p{Xn – ўта долзарб масалалар

bhut b@a du.aRGy – энг катта бахтсизлик

Бирикма таркибидаги сифат қиёсий даражага хос бўлиб, 3 компонентли бўлади. Бунда бирикманинг 3 компонентли бўлишининг сабаби, қиёсий даража аналитик йўл билан ясалган, яъни сифатдан олдин šsse олмоши кўлланган.

Шунингдек, бадий адабиётни ўқиш жараёнида сўз бирикмаси таркибидаги сифатларнинг такрор келиш ҳолларини кузатдик:

sfwd - sfwd murmure – оппоқ (қовурилган) бодрок (жўхори)

hllkw - hllkw &o'kw – енгил (юзаки) нафас

b@e - b@e qal – катта-катта патнислар

Бунда сўз бирикмаси такрор ҳисобига 3 компонентли бўлади.

Таркибида нисбий сифат мавжуд бўлган сўз бирикмаларига келсак, бундай сифат ўзи ҳосил бўлган ясовчи асос, яъни отга хос хусусиятларни англатади:

iranl reStra\ se – Эрон ресторанидан

p'jabl kuLfl – Панжоб кулфиси

Шуни айтиш керакки, нисбий сифатли сўз бирикмалари кам унум ҳисобланади. Бундайлар қаторига яна ясама сифатларни киритиш ҳам мумкин:

%uxgvar mU@ - хуш кайфият

bdbUdar FIW\$ me' – нохуш ҳидли квартира

Сўз бирикмаларининг таркибидаги сифатлар орасида “vala” морфемаси билан ясалган сифатлар ҳам учради:

ca\$vala ranl – зиравор солинган, зираворли сув

l%na^q janevall ga@l – Лакхноуга борадиган поезд

2.2.От+от

Ҳиндий тилида от+от таркибли сўз бирикмалари субстантив сўз бирикмаларининг асосий қисмини ташкил қилади.

Икки от ўзаро оддий, мураккаб ва қўшма послелоглар орқали боғланади.

Послелоглар орасида “ка” послелогли энг сермахсул ҳисобланади. Ишимиз давомида биз 194 та “ка” послелогли сўз бирикмаси тўплادик. Сўз бирикмалари орасида от+ка+от туридагилари энг кўп учради:

l@kl kl xadl – қизнинг тўйи

caibyo' ka guC^a – калитлар шодаси

srno' kw jal me' – орзулар исканжасида

“ka” послелогги атрибутив послелог бўлгани сабабли қаратқич келишик кўшимчасига тенг келади ва у қўшилган сўз ўзи тобе бўлган сўзга нисбатан аниқловчи вазифасини бажаради.

“ka” послелогли сўз бирикмалари қуйидаги маъноларни англатиши аниқланди:

1. Бирон нарса ёки предметга оидлик
2. Нарса ёки предметнинг ясалиш, қурилиш материали
3. Бирон жой, макон, миллат ёки кастага хослик
4. Бирон нав, турга оидлик
5. Бирон шахснинг ёши
6. Бирон предмет ёки нарсанинг нарх-навоси, қиймати ва ҳ. к.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Чунки биз юқорида таъкидлаб айтганимиздек, “ka” послелогини олган от ўзи тобе бўлган отнинг сон-саноксиз хусусиятларини англатади. “ka” послелогли сўз бирикмаларини компонентлар орасидаги муносабатлардан келиб чиққан ҳолатда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Посессив сўз бирикмалари

Посессив сўз бирикмаларида ҳоким бўлак шу бирикманинг конкрет субстанциясини англатса, “ka” послелогини олган тобе компонент эса, шу субстанция кимга қарашли эканини билдиради:

smud{ kl lhr'e – денгиз тўлқинлари

/obl kw kr@o' kl trh – Кир ювувчининг (юваётган) кийимлари каби

l@kw ka kailj – боланинг коллежи

“ка” послелогги бу ерда атрибутив вазифани бажармайди, балки икки компонент орасида субстанциал муносабатлар мавжуд ва бу субстанциал муносабат эса посессивликка асосланган. Посессивлик - бирон предметнинг бошқа бир предмет ёки шахсга оидлиги демакдир.

Бундай сўз бирикмалари одатда жонли предметни англатган тобе бўлак ва кўпинча жонсиз предметни англатган ҳоким бўлакдан иборат бўлади:

puhl kw dhej kw ilE Alg %rlda hWW – Пушкининг сарпоси учун махсус сотиб олган.

iks trh ^o\$I bCcl kw Skul kl fls AaWr b@e l@kw kw kailj kl fls Ada hogl ? – Қандай қилиб (мен) кенжа қизимнинг мактаби ва тўнғич ўғлимнинг коллежига пул тўлайман?

Kya scmuc šn logo' kl Aa\%e' hW' ya ik ye hr jgh Apne spno' ka p{itibMb de%te hW' ? – Ҳақиқатан ҳам бу одамларнинг кўзлари ҳамма ерда ўзларининггина орзулари аксини кўрадимиз?

Посессив-агентив сўз бирикмалари

Посессив муносабатлар қуйидаги сўз бирикмаларига ҳам хос:

rama ka @r – Раманинг қўркуви (қўрқиши)

Apno' kw glt – яқинларнинг қўшиқлари

Бу сўз бирикмаларида “ка” послелогли от олдинги сўз бирикмаларидаги отлар каби посессивликни билдириш билан бир қаторда агентивлик хусусиятига эга. Агентивлик – бирон иш-ҳаракатни англатишга айтилади. Бу сўз бирикмаларида асосан агент–жонли предметдир.

Биз тилга олаётган сўз бирикмалари нафақат посессивликка, балки агентивликка ҳам эга бўлгани учун тобе бўлак икки ёқлама жиҳатга эга: бири субстанция мазмуни, иккинчиси бирон иш-ҳаракат мазмуни. Бу икки мазмун сўз бирикмасидаги ҳоким бўлакка хос бўлади. Кўпинча агентивлик мазмуни иш-ҳаракат маъносини ўзида мужассам қилган от орқали юзага чиқади.

Посессив-агентив сўз бирикмалари посессив сўз бирикмаларига нисбатан кўпроқ учрайди.

Белги-хусусиятга эга посессив сўз бирикмалари

Бу бирикмаларда ҳоким бўлак бир вақтнинг ўзида ҳам субстанцияга, Айни пайтда бирон-бир белги-хусусиятга эга бўлади. Мана шу билан бу сўз бирикмалари бир томондан соф посессив, иккинчи томондан посессив-агентив сўз бирикмаларидан фарқ қилади. Чунки посессив сўз бирикмасида ҳоким бўлак бирон белги-хусусиятга эга бўлмайди, посессив-агентив сўз бирикмасида эса ҳоким бўлакда ифодаланган субстанция у ёки бу агентга йўналган бўлади. Белги-хусусиятга эга сўз бирикмасида субстанциялашган белги мавжуд бўлади, тўғрироғи, субстанция ва белги уйғунлашиб кетган бўлади:

£za kl lall – уфқ шуъласи

`r kl `u\$п – уйдаги диққинафаслик

%uxl kl `Ume' – хурсандчилик бақир-чақирлари

Бутунликнинг бир қисмини англатувчи посессив сўз бирикмалари

Бу сўз бирикмасида “ка” послелогли от субстантив аниқловчи сифатида келади ва у тобе бўлак сифатида бир бутунликни билдирса, ҳоким бўлак унинг қисмини, бўлагини англатади:

mхln ka Ek pujaR – станокнинг детали

mere xrlr ka roAa\ roAa\ - танамдаги ҳар бир тук

`r kw drvaje – уй эшиклари

Бу сўз бирикмаларининг бошқалардан айириб турувчи хусусияти шундаки, “ка” послелогли от бирон субстанция ва посессивликдан ташқари яна бутунлик мазмунини акс эттиради. Бу бирикмаларнинг посессив-агентив сўз бирикмаларидан фарқи уларда ҳоким бўлак у ёки бу агентга йўналмаган, белги-хусусиятга эга сўз бирикмасидан фарқи эса бу сўз бирикмасида ҳоким бўлак бирон белгига эга эмас.

Партитив-посессив сўз бирикмалари

Юқоридаги сўз бирикмаларидан мазкур сўз бирикмалари шу жиҳатдан фарқ қиладики, ҳоким бўлак партитив характерга эга бўлади, яъни у тобе бўлакка нисбатан бутунликни англатади:

sbijyo' ka \$okra – сабзавотлар савати

šC^aAo' ka jgt(- орзу-истаклар дунёси

falde kw IC^e – фалуда¹ ўрами,боғлами

Посессив-локатив сўз бирикмалари

Посессив сўз бирикмаларига посессив-локатив сўз бирикмалари жуда яқин туради. Аммо посессив-локатив сўз бирикмаси шунчаки бирон нарсага оидлик белгисидан ташқари яна локативлик, яъни жой-макон хусусиятига ҳам эгадир:

mere maykw kw kuOe – қизлик уйимдаги итлар

nuKk@ kw įranl reStora\ me' – муёулишдаги эронча ресторанда

`r kw nOkr – уй хизматкорлари(уйдаги хизматкорлар)

Посессив-темпорал сўз бирикмалари

Посессив-темпорал сўз бирикмасига темпорал белги, яъни вақтни кўрсатишдек синтактик-семантик хусусият хосдир. Бундай сўз бирикмаларининг луғавий базасини одатда вақт, замон мазмунига эга турдош отлар, баъзан эса ҳафта кунлари, ойлари,байрамларни англатадиган атоқли отлар ҳам киради.

Хаам kl сау рг – кечқурунги чойда

hr roj kl da\ta-iklikl – ҳар кунги тиланчилик

rat ka &g@a – тунги жанжал

Субстанциал объектли сўз бирикмалар

¹ Ширин салқин ичимлик

Мазкур сўз бирикмаси посессив-агентив сўз бирикмасига жуда яқин туюлса-да, аммо ундан фарқли ўлароқ унда посессивлик белгиси аниқ сезилади, балки объектлик кўпроқ, яъни предмет ёки шахсга қаратилганлик хусусияти лўндароқ юзага чиқади.

Субстанциал объектлик сўз бирикмасини трансформация, яъни сўз бирикмасидаги компонентларнинг шаклини бироз ўзгартирсак, уни қуйидагича синтагмага айланишини кўрамыз:

“объект+предикат” (воситасиз тўлдирувчи+кесим)

gajr kw hLve kl frmašx – сабзили ҳолвага буюртма

(ҳолвани буюртириш \Leftrightarrow воситасиз тўлдирувчи+кесим)

FIW\$ kl bešJtl – квартирага нисбатан ҳурматсизлик

(квартирани беҳурмат қилиш \Leftrightarrow воситасиз тўлдирувчи+кесим)

bevfa; ka igla – бевафоликдан шикоят

(бевафоликни қоралаш \Leftrightarrow воситасиз тўлдирувчи+кесим)

Бунда тобе бўлакнинг объектлик хусусияти ҳоким бўлакнинг иш-ҳаракат мазмунидаги от билан ифодаланганида кўпроқ юзага чиқади.

Бу турдаги сўз бирикмалари бошқа субстантив сўз бирикмалари орасида сермахсули ҳисобланади. Чунки сўз бирикмасининг компонентлари сифатида жонли-жонсиз предметларни англатувчи конкрет ва мавҳум отлар қўлланиши мумкин.

Кваликатив-квалитатив сўз бирикмалари

Бу турдаги сўз бирикмасида ҳоким бўлак англатган субстанциянинг белги-хусусиятини тобе бўлак англатади. Бу ҳодиса тилда кваликативлик деб аталади. (quality- инг.сифат)

Кўпинча тобе бўлак мавҳум от билан ифодаланади.

smlpta kw hr rvet – яқинликнинг ҳар бир кўриниши

sflta kl m'ijl – муваффақият манзили

Бу каби берилган сўз бирикмаларида тобе бўлакка у билан генетик боғлиқ сифат эквивалент бўла олиши мумкин: *sm1pta* сўз бирикмасида *sm1pta* билан асоси бир хил бўлган *sm1p* сифати қўлланиши мумкин.

Бундай сўз бирикмалари 3 компонентли бўлиши мумкин. Ундаги тобе компонент бирон-бир сифат билан келади:

flroj1 r'g kl sa@l – феруза рангли сари

kasnl r'g kl sa@l – гунафша рангли сари

hrl imcol kl hvašya - кўк қалампир(дан чиқаётган) катралар

Квантитатив-квалитатив сўз бирикмалари

Бу сўз бирикмаларига бирон саноқ сон билан ифодаланган тобе бўлак мавжуд сўз бирикмалари киради. Лекин юқорида келтирилган сўз бирикмаларидаги каби тобе бўлак ҳоким бўлакнинг бирон хусусияти ёки сифатини билдиришга хизмат қилади. Аммо барибир уларни соф квалитатив деб бўлмайдди, чунки уларда квантитативлик бор, яъни тобе бўлак ҳоким бўлакнинг хусусиятини бирон сон орқали ифодалайди.(**quantitative-инг.сон**)

sa!e tln sO kl nOkrl – 350 рупиялик иш

pcas brs kl bui!ya – 50 яшар аёл

barh msale kl ranl -12 хил зираворли сув

2.3.Содда послелогли субстантив сўз бирикмалари

“me”послелогли сўз бирикмалари

Маълумки, “me” бирон субстанциянинг маконда ёки жараён ичида, таркибида бўлиш маъносини англатади. “me” послелоги билан боғланган компонентли сўз бирикмаларини локатив, объектли, темпорал ва кометативга ажратиш мумкин.

Субстанциал-локатив сўз бирикмалари

1) Қуйидаги сўз бирикмаларида тобе бўлак предмет ёки субстанциянинг ўрни-жойини билдиради:

fmR me' EKjIKyUi\$V – фирмада бошқарувчи

\$eKsas me' bls kuE' – Техасда жойлашган йигирмата кудук

è™Ingr me' sat pul – Шринагардаги етти кўприк

2) Қуйидаги сўз бирикмаларида тобе бўлак предмет жойлашган аниқ, конкрет жойни кўрсатмайди, балки унга умуман ишора мавжуд бўлади:

df(tr me' kam – идорадаги юмуш

jlvn =eÓ me' hr Aadml – ҳаёт йўлидаги ҳар бир одам

`a\$I me' Ek %as trh kl imÈl – водийдаги ўзига хос лой

3) Қуйидаги сўз бирикмаларида тобе бўлак киши танасидаги аниқ, конкрет қисмни кўрсатади:

balo' me' jUhl kw ve,l – сочга қадалган ясмин ғунчалари

mu'h me' ro\$I ka \$uk@a – оғиздаги нон бўлаги

haq me' bNdUkw' – қўлга олинган милтиқлар

Яна бир турдаги локатив сўз бирикмалари борки, улардаги ҳоким бўлак кўпинча мавҳум от ёки бирон иш-ҳаракат мазмунига эга от билан ифодаланади, тобе бўлак эса от сўз туркумига хос сўз билан ифодаланиб, жой-макон маъносини беради:

karl@or me' A'/era – каридордаги қоронғулик

@l kw rainyo' me' kUd – қўл сувига сакраш

šlakw me' mxhUr muhBBt – туманда овозаси кетган муҳаббат

Субстанциал-объектли сўз бирикмалари

Бу турдаги сўз бирикмаларини компонентлари маъносига кўра бир неча турга ажратиш мумкин.

1) Сўз бирикмасининг ҳоким бўлаги турли хис-ҳаяжонни англатса, тобе бўлак у ёки бу конкрет тана қисмини англатади. Бунда ҳоким бўлакнинг абстракт маънода бўлиши кузатилади:

sare bdn me' gudgudle – бутун вужудни чўлғаган қувонч

Aa\%o' me' .oi\$ya l@kl kl tsvlr – кўзлардаги бутанлик қиз сурати

idl m'e sNtoz – қалбдаги шодлик

2) Иккинчи турга шундай сўз бирикмалари кирадики, иккала компонент одатда маъхум от билан ифодаланган бўлади:

ingaho' me' @Ubtl hu; хам kl lall – нигоҳларга чўмган шағам шуъласи

idl me' rhm – дилдаги раҳмдиллик

ingah me' jadU – нигоҳдаги сеҳр

3) Учинчи турга шундай сўз бирикмалари кирадики, ундаги ҳоким бўлак иш-ҳаракат маъносига эга от билан ифодаланиб, тобе бўлак ҳоким бўлак англатган иш-ҳаракат йўналган объектни англатади:

S@ln \$eS\$ me' fwI – кино синовда йиқилиш

Субстанциал-темпорал сўз бирикмалари

Бундай субстантив сўз бирикмалари структурасига кўра, 2 хил бўлади:

1) Бунда аксари ҳолларда ҳоким бўлак “bar”, “dfa” каби отлар билан ёки вақт маъносини англатувчи “idn”-кун, “‘\$a”-соат каби отлар билан ифодаланади.

%uxhall kw idno' me' – ҳайрли кунларда

Aadml Aa/e `<\$o' me' phu'c skta hW – Одам ярим соатда етиб бора олади.

2) Тобе бўлак кўпинча Aaram(., p{rM., хурU, ANt, Aai%r каби отлар билан ифодаланади:

nvMbr kw tIsre hf(te kw Aai%r me' huk(m – ноябрьнинг учинчи хафтаси охирида чиққан ҳукм

vs't kw хурU me' honevall hadl – баҳорнинг бошида бўладиган тўй

“se” послелогли сўз бирикмалари

se послелоги одатда бирон нарсадан узилиш, ажралиш, чиқиш ёки аксинча бирон нарсага қўшилиш, бирлашиш маъносини англатади. Шунга

кўра субстантив сўз бирикмаларида икки бўлак ўртасида объектли, локатив ва циркумстантив муносабатлар бўлади.

Субстанциал-объектли сўз бирикмалари

Бундай сўз бирикмаларида ҳоким бўлак мавҳум от билан ифодаланиб ҳолат, вазиятни англатади, тобе бўлак эса ҳоким бўлак англатган маъно йўналган объектни билдиради:

mejɾ kl l@kl se muhVbt – майор қизига бўлган муҳаббат

Xaask-vgR se s'b'/ - ҳоким қатлам билан алоқа

b@e-b@e i@S\$[lByU\$ro' se ibjnes – катта-катта дистрибьюторлар билан қилинадиган бизнес

Субстанциал-локатив сўз бирикмалари

Бу сўз бирикмаларида ҳоким бўлак бирон иш-ҳаракат маъносига эга бўлган от билан ифодаланади. Яна шундай сўз бирикмалари учрадики, ҳоким бўлак иш-ҳаракат маъносига эга бўлмаслиги мумкин.

`ra\$ se vaps – Гхутандан қайтиш

dUsre dexo' se inm'Ó, - бошқа юртлардан таклиф

indexamy se dbav – бошқарув кенгаши томонидан қилинаётган босим

Субстанциал-циркумстантив сўз бирикмалари

Уларни иккига бўлиш мумкин:

1) Сабаб-натижа муносабатини англатувчи сўз бирикмалари. Бундай сўз бирикмаларида ҳоким бўлак тобе бўлакдан англашилган мазмундан келиб чиқадиган ҳолатни билдиради:

hWje se blmar – вабо билан оғриган бемор

pslne se tr-btr maqa – тердан ҳўл бўлиб кетган пешона

Aaxa se i%lw huE chra – умиддан ёришган чехра

2) Темпорал сўз бирикмалари. Уларда тобе бўлак ҳоким бўлак англатган иш-ҳаракатнинг бошланиш нуқтасини ёки умуман олганда бирон вақт

кесимини билдиради. Бундай сўз бирикмалари таркибида tk послелогои бўлиши мумкин:

naXte se rat ke %ane tk batclt– нонуштадан кечки овқатгача суҳбат

subh Aa# bje se rat kw sat bje tk kam – эрталабки соат саккиздан кечки соат еттигача бўладиган иш

“ko” послелогли сўз бирикмалари

Биз яхши биламизки, “ko” послелогои ўзбек тилидаги жўналиш ва тушум келишиклари кўшимчасига мувофиқ келади.

Субстантив сўз бирикмаларида “ko” послелогои одатда жўналиш келишиги мазмунини беради:

1) Ҳоким бўлакнинг луғавий маъносидан келиб чиққан ҳолда “ko” послелогои қўлланади:

saihTykaro' ko šnam – ёзувчиларга тухфа

badxah ko slam – подшоҳга салом

bCco' ko im#aj – болаларга ширинлик

2) Ҳоким бўлак кўпинча “ot+krna” туридаги от феъллар билан ифодаланади. Тобе бўлак эса ҳоким бўлак англатган иш-ҳаракатнинг бажарувчисини билдиради:

iksan logo' ko juLm – деҳқонларга нисбатан зулм

mataAo' ko mdd – оналарга бериладиган ёрдам

3) Ҳоким бўлак бирон-бир белги-хусусият ёки ҳолатни билдирса, тобе бўлак ўша ҳолат ёки белгининг объектини англатади:

prdeisyo' ko Svt'Óta – мусофирларга озодлик

@aK\$ro' ko ki#nta – докторларга қийинчилик

4) темпорал сўз бирикмаларида тобе бўлак ҳоким бўлак англатган мазмуннинг амалга ошиш вақтини кўрсатади:

ds tarl% ko mhUrt – ўнинчи санагача муҳлат

Aaj rat ko ispaihyo' kw ilE davt –аскарлар шарафига бериләётган бугун тундаги зиёфат

Хаам ko ga\v kw m'idr me' Aai%rl p{aqRna – кечкурун қишлоқ ибодатхонасидаги илтижо

“pr” послелогли сўз бирикмалари

Локатив сўз бирикмалари

1) Тобе бўлак ҳоким бўлак англатган шахс ёки предметнинг конкрет ўрнини англатади:

panl kl sth pr £.re huE gulabl kml – сув юзасида қалқиган пушти нилуфар

dukan pr g{ahko' kl .l@ - дўкондаги харидорлар оламони

ngr kw fOjl cOikyо' pr trh-trh kw rур – шаҳар ҳарбий постлардаги турли хил қиёфалар

2) Тобе бўлак аниқ, конкрет жойни эмас, умуман жой-макон маъносини беради:

tSvlr pr ^o\$a-sa pTqr – сурат устидаги кичкинагина тош

lhro' pr bulbula – тўлқинлардаги пуфакчалар

pha@l pr Ek !lan – тоғликдаги қиялик

3) Тобе бўлак инсон танасининг конкрет бирон қисмини англатади, ҳоким бўлак эса тобе бўлак англатган субстанция таркибидаги нарса ёки предметни билдиради:

sr pr \$orl – бошдаги қалпоқ

Tyoiryо' pr bl – қошлардаги бурмалар

Kmr pr dono' haq – белга қўйилган икки қўл

Объектли сўз бирикмалари

1) Бундай сўз бирикмаларида ҳоким бўлак иш-ҳаракат маъносидаги от билан ифодаланса, тобе бўлак ҳоким бўлак англатган иш-ҳаракат йўналган объектни билдиради:

khanl pr bhs – ҳикоя юзасидан тортишув

`o@e pr svar – отга миниш

2) Ҳоким бўлак турли хил эмоционал ҳолатни, хис-ҳаяжонни англатса, тобе бўлак киши танасидаги бирон аъзони ифодалайди:

klaј pr ddR - билакдаги оғрик

sunhrl galo' pr hya- олтин ёноқлардаги уялиш

sehre pr hWrani - юздаги таажжуб

“tk” послелогли сўз бирикмалари

“tk” послелогли субстантив сўз бирикмалари локатив ва вақт муносабатларини акс эттиради.

Локатив сўз бирикмалари

Ҳоким бўлак феълга мувофиқ келмайди, у предметни англатса, тобе бўлак ҳаракатланиш ўрнини билдиради:

satva\ k=a tk p!aj - еттинчи синфгача таълим

pa\vo' tk icNtl – оёқларгача доғ

`u\$o' tk pani – тирсакларгача сув

Темпорал сўз бирикмалари

Улар ҳиндий тилида жуда кам учради:

sone kw smy tk chlkdm1 – ухлаш пайтгача сайр

``\$o' tk &g@a – соатлаб жанжаллашиш

II боб юзасидан хулоса

Атрибутив муносабатларни англатадиган сифат+от таркибли сўз бирикмаларида сифат доимо тобе бўлак ҳисобланади. От+от таркибли сўз бирикмалари эса субсантив сўз бирикмаларининг энг салмоқли қисмини ташкил қилади.

Ҳиндий тилида “От+от” таркибли сўз бирикмалари семантик жиҳатдан посессив сўз бирикмалари, посессив-агентив сўз бирикмалари, белги-хусусиятга эга посессив сўз бирикмалари, бутунликнинг бир қисмини англатувчи посессив сўз бирикмалари, партитив-посессив, посессив-локатив, посессив-темпорал, субстанциал объектли, квалификатив-квалитатив ҳамда квантитатив-квалитатив сўз бирикмаларига бўлинади

Субстантив сўз бирикмаларида от ҳоким бўлак ҳисобланади. Субстантив сўз бирикмалари ҳозирги ҳиндий тилида сўз бирикмаларининг бошқа структуравий турларига нисбатан энг сермахсули ҳисобланади. Субстантив сўз бирикмалари таркибига кўра бир неча хусусиятга эга. Бу ундаги ҳоким бўлак бўлган от ва унинг синтактик белгилари билан изоҳланади.

Ҳиндий тилида от+от таркибли сўз бирикмалари субстантив сўз бирикмаларининг асосий қисмини ташкил қилади.

Икки от ўзаро оддий, мураккаб ва қўшма послелоглар орқали боғланади.

Послелоглар орасида “ка” послелоги энг сермахсул ҳисобланади.

Посессив сўз бирикмаларида ҳоким бўлак шу бирикманинг конкрет субстанциясини англатса, “ка” послелогини олган тобе компонент эса, шу субстанция кимга қарашли эканини билдиради.

Субстанциал объектли сўз бирикмалари посессив-агентив сўз бирикмаларга ўхшасада объектлик кўпроқ, яъни предмет ёки шахсга қаратилганлик хусусияти лўндароқ юзага чиқади.

III боб.

Мураккаб послелогли субстантив сўз бирикмалари

Ўрин-жой маъносини англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмалари

1) kw ANdr, kw .ltr –“ичида”, “ичига” послелогли сўз бирикмалари бирон-бир предмет ёки нарсанинг бошқа предмет ёки нарса орасида, ичида эканлигини билдиради:

rexml prdo' kw ANdr moml xme' – шойи пардалар орасидаги мум шамлар

cadr kw ANdr l@kl – чодир ичидаги қиз

sunhrl mehrabo' kw ANdr najuk sfed jailya\ - тилла аркалар ичидаги нозик оқ тўрлар

2) kw ʌpr – “устига”, “устида” послелогли предметнинг бошқа предмет устида, тепасида бўлишини англатади.

pha@l kw ʌpr Ek j'gl – тоғлик устидаги ўрмон

j'glo' kw ʌpr sa!e terh hjar fU\$ kl co\$l – ўрмонлардан ўн уч ярим минг баландликдаги чўққи

pha@l islislo' kw qpr Aasman – тоғ тизмалари устидаги осмон

3) kw nlce – “тагида”, “тагига” бирон предметнинг бошқа предмет остида эканига ишора қилинади:

`as kw nlce sfwd-sfwd `o'`o' kw mhl – ўт тагидаги оппоқ куртлар уяси

ko\$ kw nlce rUjdar pajama – пальто тагидан кийилган ипак **иштон**

!lan kw nlce seb kw pe@ - қиялик пасидаги олма дарахтлари

4) kw Aage – “олдида”, “олдига”; kw samne - “тўғрисида”, “қаршисида”.

Бундай послелогли сўз бирикмаларида ҳоким бўлак конкрет предметни англатиб жой-макон муносабатини билдиради:

\$lle kw Aage %wt – тепалик олдидаги дала

mWdan kw Aage do m'ijla SkUl – майдон олдидаги икки қаватли мактаб

bu× kl mUitR kw samne Aai%rl p[aqRna – Будда ҳайкали қаршисидаги сўнгги ибодат

Шунингдек, таркибида kw Aage, kw samne послелоги бор сўз бирикмаларига жой-макон муносабати эмас, объект муносабати хос бўлиши мумкин:

bCco' kw Aage ktRVy – фарзандлар олдидаги бурч

m'iÓyo kw Aage ki#naј -вазирлар олдидаги қийинчилик

а. kw pl^e – “орқасида”, “орқасидан”. Бирон предметнинг орқасида жойлашганлик маъноси мавжуд:

iclmno' kw pl^e srsrate huE rexml prde – чилимлар ортида шитиллаётган шойи пардалар

pe@o' kw pl^e IMbe kd ka Aadml – дарахтлар орқасида турган баланд бўйли одам

б) kw bahr – “-дан ташқарига”, “-дан ташқарида”. Ушбу послелоглар бирон нарсанинг ташқарисида бўлишига ишора қилади:

hal kw bahr hlro – зал ташқарисидаги қахрамон

drvaje kw bahr Ek suNdr AOrt – эшик ташқарисидаги гўзал аёл

m'idr kw bahr pUjn – ибодатхона ташқарисидаги таъзим

7) Бирон нарсанинг яқинида бўлишини кўрсатувчи послелоглар сирасига kw pas, kw ink\$, kw njdlk, kw krlb послелоглари киради. Уларнинг бари ўрин-жой мазмунини беради:

&ll kw pas pWlws ho\$I – қўл яқинидаги “Palace” меҳмонхонаси

`r kw pas AStbl – уй яқинидаги отхона

plll -plll Aa\%o'vale kmlo' kw ink\$ fOvare – сап-сарик кўзли нилуфарлар яқинидаги фавворалар

drvaje kw ink\$ rok – эшик яқинидаги тўсик

rat kw tIsre phr kw krlb spna – туннинг учинчи қисмига яқин кўрилган туш

m'c kw krlb Aa# sO l@ikyа\ - сахна яқинидаги саккиз юз нафар қиз

8) kw blc, kw blco'blc послелоглари нарсанинг бошқа нарса ўртасида, орасида эканини кўрсатади:

logo' kw blc pul – одамлар ўртасидаги кўприк

dono' dexo' kw blc s'b'/ - икки мамлакат ўртасидаги алоқа

l@ikyo' kw blc fkR – қизлар орасидаги фарқ

9) Бирон предметнинг ён-атрофида бошқа предметларнинг мавжудлигига ишора қилувчи послелогларга kw igdR, kw šdR-igdR, kw Aas-pas киради:

panl kl h'i@ya kw igdR mogre kw fUl – сув идиши атрофидаги хинд ясмани гуллари

idl kw šdR igdR fWll huј £darta – қалбдан таралаётган бағрикенглик

ga\v kw šdR igdR mkј kw %et – қишлоқ атрофидаги жўхори далалари

hal kw Aas pas cKkr – зал атрофидаги айлана

bag kw Aas pas lgvaE gaE fUI – боғ ён-атрофига экилган гуллар

10) kw par- “томонга”, “тарафга” послелогои бирон томонга йўналган предметни билдиради:

Amlrakdl kw par hiris'h S\$ ({I\$- Амирақадал томонидаги Ҳарисингх кўчаси

pul ke par Aa!t kl dukan – кўприк тарафидаги олибсотар дўкони

&ll kw par ʌ'ce pha@ - кўл томонидаги баланд тоғлар

Вақт маъносини англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмалари

Бу сўз бирикмаларини иккига ажратдик:

a) se phlw послелогои бирон воқеа ёки ходисадан олдин рўй берган ҳолатни билдиради:

Aa'doln se phle su/ar – ҳаракатдан олдинги ислоҳат

Adalt se phle ja\c- суддан олдинги текширув

brsat se phle mOsm – ёмғир мавсумидан олдинги об-ҳаво

б) kw bad послелогли сўз бирикмаларида воқеа-ходисанинг бошқа бир воқеа-ходисадан кейин рўй беришини билдиради:

s.a kw bad ivsar-ivmRx – мажлисдан кейинги баҳс-мунозара

ivju kw bad har – ғалабадан кейинги мағлубият

batcht kw bad fWsla – суҳбатдан сўнг қабул қилинган қарор

Йўналишни англатувчи послелогли сўз бирикмалари

Субстантив сўз бирикмалари орасида kl trf, kl Aor – “томонга”, “тарафга” послелогли сўз бирикмалари кам учради. Йўналишни англатувчи бу послелоглар ўз семантикасига кўра кўпроқ вербал (ҳоким бўлаги феъл бўлган) сўз бирикмаларида кўп учрайди.

mhrab kl trf šxara – меҳроб томон ишора

vadl kl trf šxara – водий тарафга қилинган ишора

Aasman kl Aor tak – само томон ўтқир нигоҳ

Мақсад ва вазифани англатувчи послелогли сўз бирикмалари

Бундай послелогларга kw ilE, kl %aitr – “учун” послелоглари мансубдир.

Бу турдаги сўз бирикмаларида ҳоким бўлак конкрет предметни англатиб, икки компонент орасидаги квалификатив муносабатни билдиради:

`r kw ilE clnl kl Ek Ple\$ - рўзғор учун олинган хитой ликопчаси

nj mhbUba kw ilE Alg b'gla – янги маъшуқа учун махсус олинган кулба

EeK\$r logo' kw ilE BIWk E<@ Vhaš\$ iVhSkI – актёрлар учун қора ва оқ виски

Агар ҳоким бўлак мавҳум предметни англатса, у ҳолда, икки компонентлараро объект мазмуни ётади:

Ple\$ kw ilE gSsa – ликопча учун (сабабли) жахл

slamtl kw ilE inyaj – сихат-саломатлик учун ҳайр-садақа

muhBbt kl %aitr &U# - муҳаббат йўлида айтилган ёлғон

Сабаб ва натижа мазмунини англатувчи послелогли сўз бирикмалари

Бунда сўз бирикмасидаги ҳоким бўлак тобе бўлак англатган бирон ҳолатдан келиб чиқадиган натижаларни билдиради. Бинобарин икки бўлак ўртасида сабаб-натижа муносабати ётади:

@r kw mare blmarl – кўркув сабаб келиб чиққан касаллик

muhBbt kw mare halt – муҳаббат сабабли тушилган аҳвол

sfr kl vjh se sflta – сафар сабаб келган муваффақият

Ўхшатиш мазмунини англатувчи послелогли сўз бирикмалари

Сўз бирикмаларидаги бундай мазмунни kl .a\it “-га ўхшаш, -дек, -дай, каби” шунингдек, эркалаш-кучайтириш мазмунидаги “sa” юкламаси, “Eesa”, “jWsa”-“-дек, -дай, монанд” нисбий олмошлари беради. Булар орасида kl trh послелоги серунум эканлиги аниқланди:

ibLIUrl fanUs kl trh jgmga – биллур қандил каби товланиш

mUas kl if(Imo' kl trh IMbl khanl– Мадрас филмлари каби узун ҳикоя

muSkrah\$ kl .a\it £dy – табассум каби яшнаш

ittilyo' kl .a\it fUl – капалакдек гуллар

gulab kl sl hqeilya\ - атиргул каби кафтлар

gol sa dSt%t – думалоқдек имзо

Зид маъно англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмалари

Бундай зид маъноли послелогларга kw i%laf – “-га қарши”, “-га зид”, kw bavjUd – “-га қарамай” послелоглари киради. Улар икки компонент орасидаги бир-бирига қарши қўйилган объект муносабатларини билдиради:

AaD kw i%laf kam – буйруққа ҳилоф иш

mejr kw i%laf ivcar – майорга қарши фикр

Биргалик маъносини англатувчи послелогли сўз бирикмалари

Бундай мазмунни kw saq, kw s'g - “билан бирга” послелоглари беради:

b\$lr kw saq xrab%ori – Батлер билан бирга шаробхўрлик

trkarl kw saq %ana – сабзавот солинган таом

fOj kw s'g kUc – қўшин билан бирга жўнаб кетиш

Шунингдек, биргалик мазмуни smet сўзи билан ҳам ифодалаш мумкин:

blvl bCco' smet yaOa – хотин бола-чақлар билан саёҳат

Ўриндошлик мазмунига эга послелогли сўз бирикмалари

Бундай маъно kl jgh, kw bjaу, kw Sqan pr – “-нинг ўрнида”, “-нинг ўрнига” каби послелоглар орқали юзага чиқади:

purane mharajaAo' kl jgh nye mharaja – эски шоҳлар ўрнига келган янги шоҳлар

cNd isKko' kl jgh no\$ - озгина танга ўрнига қоғоз пул

sOde kw Sqan pr ka'\${WK\$ - савдолашиш ўрнига тузилган шартнома

kjaR kw Sqan pr bkrl – қарз пули ўрнига берилган эчки

Эгалик мазмунини англатувчи мураккаб послелогли сўз

бирикмалари

Бундай мазмунни kw pas, kw yha\ послелоглари беради. Кўпинча, ҳоким бўлак тобе бўлак билдирган субстанцияга эгаликни билдиради:

AOrt ke pas Akl – аёлнинг ақли

£s kw pas nye ma@l kl ga@l – унинг янги моделдаги машинаси

merl blvl ke yha\ ku@e – хотинимнинг уйдаги итлар

III боб юзасидан хулоса

Мураккаб поселогли сўз бирикмалари ўрин-жой маъносини англатувчи, вақт маъносини англатувчи, йўналишни англатувчи, мақсад ва вазифани англатувчи, сабаб ва натижа мазмунини англатувчи, ўхшатиш, зид маъно, биргалик маъносини англатувчи, ўриндошлик мазмунига эга, эгалик мазмунини англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмаларига бўлинади.

Хулоса

Ҳиндий тилидаги сўз бирикмасини қисман бўлсада ўрганиш жараёнида аниқландики, бу мавзу ниҳоятда мураккаб бўлиб, уни ўрганиш изчил ёндашувни талаб этади. Бу биринчи навбатда ҳиндий тили сўз бирикмаси соҳасининг жуда кенг қамровли ва кўп қиралилиги бўлса, иккинчидан, мавзунини етарли даражада ўрганилмаганлигида кўринади.

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сўз бирикмаси предмет, ҳаракат бирлигини ифодалаш қобилиятига эга бўлган, ягона мураккаб маъноларни ифодаладиган, синтактик жиҳатдан ташкил топган ва семантик томондан бир бутун ҳисобланган икки мустақил сўзнинг бирикувидир. Сўз бирикмаси ҳам сўз ҳам тилнинг номинатив функцияни бажара олади ва бу ўхшашликлари сабаб уларни фразеологик бирикларнинг эркин эквиваленти деб аташ мумкин.

Бирор тушунча сўз орқали ифодаланганда бир сўз иштирок этади. Сўз бирикмасида ҳам худди сўз каби бирор тушунча ифодаланади, лекин бу

тушунча бир сўз билан эмас, лексик ва грамматик жиҳатдан алоқага киришган бирдан ортиқ сўзлар — сўз бирикмалари орқали ифода этилади.

2. Сўз бирикмаси камида икки сўзнинг бирикувидан ташкил топиб, улардан бири ҳоким сўз саналади. Ҳоким сўз сўз бирикмасининг асосини, ядросини ташкил этади. Ҳоким сўз қандай сўз билан ифодаланганлигига кўра сўз бирикмаси ҳам классификация қилинади (отли бирикмалар, феълли бирикмалар, равишли бирикмалар ва х. к.) Демак, сўз бирикмасининг классификацияси сўзларга, уларнинг лексик, грамматик хусусиятларига боғлиқ. Бу эса сўз ва сўз бирикмалари ўртасида боғлиқлик, яқинлик борлигидан далолат беради ва уларни бир-бирларига яқинлаштиради.

3. Ҳиндий-урду тилларнинг материаллари шуни кўрсатдики, кўшма сўзларнинг кўпчилиги ва асосий қисми сўз бирикмаларидан ёки сўз бирикмалари модели асосида келиб чиққан. Кўшма сўзларнинг пайдо бўлишида сўз бирикмалари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

4. Ҳоким бўлаги от сўз туркумига тегишли бўлган субстантив сўз бирикмалари ҳозирги ҳиндий тилида сўз бирикмаларининг бошқа структуравий турларига нисбатан энг сермаҳсули ҳисобланади. Субстантив сўз бирикмалари атрибутив (аниқловчи) ва комплетив (тўлдирувчи) турларига бўлинади.

5. Атрибутив муносабатларни англатадиган сифат+от таркибли сўз бирикмаларида сифат доимо тобе бўлак ҳисобланади. От+от таркибли сўз бирикмалари эса субсантив сўз бирикмаларининг энг салмоқли қисмини ташкил қилади. Икки от ўзаро оддий, мураккаб ва кўшма послелоглар орқали боғланади.

6. Атрибутив муносабатларни англатадиган сифат+от таркибли сўз бирикмаларида сифат доимо тобе бўлак ҳисобланади. От+от таркибли сўз бирикмалари эса субсантив сўз бирикмаларининг энг салмоқли қисмини ташкил қилади.

7. Ҳиндий тилида “От+от” таркибли сўз бирикмалари семантик жиҳатдан посессив сўз бирикмалари, посессив-агентив сўз бирикмалари, белги-

хусусиятга эга посессив сўз бирикмалари, бутунликнинг бир қисмини англатувчи посессив сўз бирикмалари, партитив-посессив, посессив-локатив, посессив-темпорал, субстанциал объектли, квалификатив-квалитатив ҳамда квантитатив-квалитатив сўз бирикмаларига бўлинади.

8. Субстантив сўз бирикмалари орасида *kl trf*, *kl Aor* – “томонга”, “тарафга” послелогли сўз бирикмалари кам учради. Йўналишни англатувчи бу послелоглар ўз семантикасига кўра кўпроқ вербал (ҳоким бўлаги феъл бўлган) сўз бирикмаларида кўп учрайди.

Сабаб ва натижа мазмунини англатувчи мураккаб послелогли сўз бирикмаларидаги ҳоким бўлак тобе бўлак англатган бирон ҳолатдан келиб чиқадиган натижаларни билдиради. Бинобарин икки бўлак ўртасида сабаб-натижа муносабати ётади.

Сўз бирикмаларидаги ўхшатиш мазмунини *kl trh*, *kl .a\it* “-га ўхшаш, -дек, -дай, каби” шунингдек, эркалаш-кучайтириш мазмунидаги “*sa*” юкламаси, “*Eesa*”, “*jWsa*”-“-дек, -дай, монанд” нисбий олмошлари беради. Лекин таҳлил жараёнида булар орасида *kl trh* послелоги серунум эканлиги аниқланди.

Ҳиндий тили сўз бирикмаларининг бундай тадқиқотлари катта изланиш ишлари учун хизмат қилади. Амалиётда эса ҳиндий тили грамматикасининг сўз яшаш, хусусан қўшма сўз, фразеологик бирликлар, шунингдек, гапнинг синтактик қурилиши билан боғлиқ мавзуларни кенгроқ тушунишга ёрдам беради. Ҳозирги кунги тилшуослик эса бундай изланишларни олиб боришни тақазо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т. 2008.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т.2012
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т. 2010

Ўзбек тилида

4. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов У. “Ўзбек тили” Т. 1970
5. Турсунов У., Раҳматуллаев Ш. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. Т. Ўқитувчи 1965. 1-нашр
6. Турсунов У., Раҳматуллаев Ш., Мухторов Ж. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. Т. Ўқитувчи 1975. 2-нашр
7. Турсунов У., Раҳматуллаев Ш., Мухторов Ж. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. Т. Ўқитувчи 1992. 3-нашр
8. Ўринбоев Б. “Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар”. Т. 1990

9. Шарипов М.К. “Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи”. Т. 1978

Рус тилида

10.Абакумов С.И. О сложных словах в русском языке, “Русский язык в школе” № 3-4, 1946.

11.Андрейчик А.Л. Грамматика болгарского языка, перевод с болгарского и словарь В.В.Бородич, М., 1949

12.Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1935

13.Виноградов В.В. Идеалистические основы синтаксической системы проф. А.М.Пешковского, её эклектизм и внутренние противоречия, сб. Вопросы синтаксиса современного русского языка. М.,1959

14.Василевская Е.А. К проблеме сложного слова, Ученые записки №148, русский язык, 1960

15.Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове, М.-Л., 1947

16.Голетиани Г. Словосочетание как предмет синтаксиса, Труды Тбилисского университета, 65. 1957

17.Демьяненко А.Ф. Типы словосочетаний в русской письменности конца XVII начала XVIII в., Киев. 1967

18.Домашенкина Г.П. “Функции обстоятельственных наречий в составе словосочетания и предложения” Автореф. Кондидатская диссертация М., 1954

19.Ермакова О.П. “Словосочетания, выражающие целевые отношение в современном русском литературном языке” Автореф. Кондидатская диссертация М., 1956

20.Жирмунский В.М. О границах слова, Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963

21.Привалова М.И. К определению понятия сложношо слова в русском языке. Вестник ЛГУ №8. Л., 1956

22.Петерсон М.Н. Современный русский язык, М., 1929.

23. Соссюр Ф.Д. Курс общей лингвистики М., 1933.
24. Сухотин В.П. “Синтаксическая синонимика в современном русском литературном языке” Академия наук СССР М. 1960
25. Сухотин В.П. “Основы построения описательной грамматики современного русского литературного языка” М., 1966
26. Сухотин В.П. “Материалы и исследования по истории русского литературного языка ” т. III М., 1953
27. Ульцеферов О.Г. “Словосочетания в хинди” М. 1971
28. Филиппова В.М. “Глагольно-именные словосочетания в временном значении в современном русском языке”. “Исследования по грамматике русского литературного языка” М., 1955
29. Шведова Н.Ю. “Парадигматика простого предложения в современном русском языке ” Сб. М., 1967
30. Шчерба Л.В. Избранные работы по русскому языку, М., 1957
31. Шчерба Л.В. Очередные проблемы языковедения, Известия, АН СССР. 1945. №4-5.

Луғатлар

32. Бескровный В.М. Русско-индийский словарь М. 1975
33. Бескровный В.М. Хинди- русский словарь. М.1-2. 1972
34. Дубровин М.И. Англо- русский словарь .М.1991
35. Дымшиц З.В. и Чельшев Е.П. Карманный русско- хинди словарь М.1958
36. Русско-узбекский словарь Т.1-2.Т.1984

Интернет сайтлари

37. <http://www.asian.com.ua>
38. <http://www.bharat.ru>
39. <http://www.booksite.ru>

40. <http://www.countries.ru>
41. <http://www.en.wikipedia.org>
42. <http://www.india-world.ru>
43. <http://www.krugosvet.ru>
44. <http://www.nervana.net.ru/india/nalandas/htm>
45. <http://www.translist.ru>
46. <http://www.tsil.uz.ziyo>
47. <http://www.ukrtvory.ua>